



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 18 январь, № 11 (8354)


Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида олий даражадаги тадбирлар — ушбу мамлакат Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазири Ли Сянь Лун билан музокаралар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон — Сингапур саммитидан аввал Сингапур Президентининг "Истана" саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Сарой олдидagi майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Харбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Президенти шарафига Сингапурнинг миллий рамзи бўлган орхидея гулининг янги навига ном бериш маросими бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар анъанавий равишда ушбу мамлакатнинг олий мартабали меҳмонлари, таниқли арбобларга юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида ўтказилади.

Encbi Purple ва Kila Blue орхидеяларининг гибриди ҳисобланади. Узунлиги 45 сантиметр бўлган қат-қат япроқли қўشгуллар, уларнинг ҳар бирида 17 тадан 20 тагача гул ҳосил қилади, ҳар бир гулнинг эни 5 сантиметр атрофида. Оч сиёҳранг барглари ва косачабарглари чети майин бинафшаранг.

ҳотлар юзасидан фикр алмашилди. Таълим соҳасида фаол ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Сингапур технологиялар, менежмент ва коммуникациялар академияси муваффақият-ли фаолият юритмоқда.

донларда минтақавий барқарорлик ва иш-чил тараққиёт масалаларида бир-бирини англаши ва бу борадаги ташаббусларни илгари суришда ўзаро кўмаклашяётгани қайд этилди.

Учрашув якунида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шавкат Мирзиёев Ҳалима Якубни ўзига қулай бўлган вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Сўнг "Истана" қароргоҳида Президентимиз Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун билан музокара ўтказди.

Етақчилар ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама кўриб чиқилди, устувор йўналишлардаги алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Жумладан, савдо-иқтисодий соҳада сезиларли натижаларга эришилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш икки баробарга ошди. Ўзбекистонда Сингапур капитални иштирокидаги корхоналар сони 4 қарра кўпайди. Ушбу мамлакатдан юртимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 700 миллион долларга етган.

Кўплаб соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта захиралар мавжудлиги қайд этилди.

Сингапур — Осиё — Тинч океани минтақасининг иқтисодий маркази. Кўп йиллардан буён ушбу мамлакат электроника, кимё санъати, биотехнологиялар, банк соҳаси, логистика ва транспорт машина-созлиги каби муҳим тармоқлардаги муваффақиятларига таяниб, жаҳондаги энг йирик ва ривожланган иқтисодиётлардан бири бўлиб келмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Сингапур билан яқин истиқболдаги ҳамкорликнинг олти асосий йўналишини кўрсатиб ўтди.

Биринчиси — инсон капиталини ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш. Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби иштирокида бошқарув, шаҳарсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, рақамли трансформация, инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида биргаликда

давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини амалга оширишга келишиб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат бошқаруви академияси негизда Сингапурнинг етақчи экспертларини жалб қилган ҳолда давлат хизматчиларини интенсив қайта тайёрлаш дастури ишга туширилди.

Иккинчи йўналиш Сингапурни Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнарига жалб қилишга қаратилган. Шу маънода, музокараларда Сингапурнинг етақчи компаниялари илғор тажрибаси, замонавий технологиялари ва бошқарув усулидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг йирик корхоналарини хусусийлаштириш доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва таркибий ўзгартириш, кейинчалик уларни IPOга чиқариш ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш учун кўшма Инвестиция жамғармасини тузиш таклиф қилинди.

Учинчи устувор йўналиш сифатида илғор "яшил технологиялар" ва рақамли ечимларни жалб қилиш белгиланди. Сингапурнинг рақамлаштириш соҳасидаги ютуқларини жорий қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатнинг "яшил ривожланиш" бўйича инновациялари ва технологияларини қўллаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тўртинчиси — шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларни такомиллаштириш. Шаҳарларни режалаштириш ва қурилиш, кўккалмадорлаштириш, коммунал хўжалик соҳаларида ҳамкорлик бўйича тадбирлар келишиб олинди. Ўзбекистонда инфратузилма ва тармоқ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўшма Лойиҳалаштириш ва инжиниринг марказини ташкил этиш бўйича келишув бу борадаги биринчи қадам бўлди.

Ҳамкорликнинг бешинчи йўналиши доирасида инвестициялар ва ўзаро савдо-иқтисодий кенгайтириш, Сингапурнинг етақчи компаниялари билан кўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.



SINGAPUR ISHBILARMON DOIRALARI VAKILLARI BILAN UCHRASHUV
Singapur, 2023-yil 17-yanvar
MEETING WITH SINGAPORE BUSINESS COMMUNITY
Singapore, January 17, 2023

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Президенти Ҳалима Якуб фахрий қорувул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар. Сўнг Ўзбекистон Республикаси

Аънаанага кўра Президент Шавкат Мирзиёев гулнинг ёнига янги турдаги орхидеянинг номи — "Шавкат Мирзиёев орхидеяси" деб ёзилган тахтачани жойлаштирди. Ушбу кўркам ва ёйилиб ўсувчи гул

Шундан сўнг Президентлар икки томонлама учрашув ўтказдилар. Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш истиқболлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасидаги исло-

Икки мамлакатнинг Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни кенгайтириш борасидаги тажрибаси батафсил кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Сингапур халқаро май-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА СУДЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффоқликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу билан бирга "Янги Ўзбекистон — янги суд" тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишни

жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОДИЛ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-11-сон Фармони ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Бош прокурор (Н.Иўлдошев): Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Одил судловни

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА
СУДЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқилишига қисқа муддатли стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Стратегия доирасида куйидагилар **одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари** этиб белгилансин: “Инсон кадри учун” гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини қўришига эришиш;

фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда **ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш**, суд ишларини юриштишда **тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш**, судларнинг **ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни** такомиллаштириш;

судлар фаолиятини **тўлиқ рақамлаштириш**, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идораларо электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида **масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш**;

судьяларнинг **мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш**, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашши ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш;

суд қарорларининг **қатъий ижросини таъминлаш**, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш;

судьялар ва суд ходимларида **юксак муомала маданиятини шакллантириш** орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик хиссини уйғотиш.

2. 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқилишига қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Бош прокурор (Н.Йўлдошев), шунингдек, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари Ҳаракатлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан масъул этиб белгилансин.

3. Олий суд томонидан Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги билан биргаликда жиноят ишлари бўйича суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилиниганини текширишнинг фуқароларга қўлай ва соддалаштирилган тартибин яратиш мақсадида куйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

туманларо, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда **апелляция ёки кассация тартибда қайта қўриб чиқиш**;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибда қўрилган ишларни мазкур судларда **тафтиш тартибда қайта қўриб чиқиш**;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибда қўрилган ишларни **Олий суднинг судлов хайъатларида тафтиш тартибда қайта қўриб чиқиш**;

юқори инстанция судлари томонидан **ишни янгидан қўриш учун куйи судларга юбориш тартибин бекор қилиш** ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш.

Олий суд (Б.Исламов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тақлиф этилаётган янги тартибни амалиётга ўз вақтида ва самарали жорий этиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини аҳолига батафсил тушунтириш бўйича зарур ташкилий чораларни қўрсин.

4. Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилсин.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича куйидаги чоралар белгилансин:

судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун **маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш**;

суд ишларини ҳал этишга **аралашганлик** ва суд ҳужжати **ижро этмаганлик** учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, шунингдек, суд ҳужжатларининг **ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмларни** жорий этиш;

одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича **жамоатчиликни** оммавий ахборот воситалари орқали **мажбурий равишда хабардор қилиш тартибин** жорий этиш;

судьяга нисбатан тураржой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик хўнмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига **фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида** йўл қўйилишини белгилаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунтириш бериш борасидаги масалалар бўйича мурожаатларини адлия органлари томонидан қўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.

Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган чораларни амалга ошириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

5. Бош прокуратура ҳамда Олий суднинг барча bosқичлардаги суд ишларини юриштишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг **ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган янги механизмин жорий этиш** бўйича тақлифлари маъқуллансин, унга қўра:

а) куйидагилар **Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси** (кейинги ўринларда — Ихтисослашган прокурорлар корпуси) этиб белгилансин:

Бош прокуратуранинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юриштишда прокурор ваколатини таъминлаш **бошқармалари**;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юриштишда прокурор ваколатини таъминлаш бўйича тегишли **бўлим ва тармоқлари**; туман (шаҳар) прокурорларнинг мазкур йўналишлар бўйича тегишли **ўринбосари ва ёрдамчилари**;

б) **Бош прокурорнинг соҳавий ўринбосарига** — Бош прокуратура, шунингдек, қуйи туровчи прокуратуралар Ихтисослашган прокурорлар корпусининг, **вилоят прокурорининг ва унга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарларига** — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, шунингдек, туман (шаҳар) прокуратуралари Ихтисослашган прокурорлар корпусининг фаолиятини **назорат қилиб, мувофиқлаштириб бориш масъулияти юклатилсин.**

6. Куйидагилар Ихтисослашган прокурорлар корпусининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ҳамда процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда **судларда ишларни қўришда прокурор ваколатини таъминлаш**;

суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда **одил судлов фаолиятининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш**, жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини фақат қонунга асосланиб, ҳолисликни сақлаган ҳолда **сифатли қўллаб-қувватлаш**;

фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари **суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига** эришиш;

суд амалиётиндан келиб чиққан ҳолда суриштирув ва тергов органлари ходимларининг **амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш.**

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз ваколатларини **ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда**, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ташқари уларнинг судда иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда **аралашшига йўл қўйилмайди**;

вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратуралар Ихтисослашган прокурорлар корпусига туман (шаҳар) прокуратураларининг тегишли йўналишларида, қоида тарихида, камида **уч йил**, Бош прокуратура Ихтисослашган прокурорлар корпусига эса, қоида тарихида, камида **беш йил** фаолият юритган ходимлар жалб қилинади;

Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари, қоида тарихида, судларда прокурор ваколатини таъминлаш соҳасида узлуксиз **уч йил** хизмат ўтаганидан сўнг бошқа йўналишларга ўтказилиши мумкин;

Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимларини **бошқа йўналишларга ўтказиш** Бош прокурор соҳавий ўринбосарининг розилиги асосида амалга оширилади.

8. Белгилансинки, Ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятининг натижадорлигини таъминлаш мақсадида: Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходими судларда қўрилаётган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даввони) **қўллаб-қувватлаш, ўзгартириш ёки ундан воз кечиш**, шу жумладан, Жиноят кодекси нормаларини **қўллаш, жазо тури ва меъёрини белгилаш** масалалари юзасидан фикрини **судга баён қилишда мустақил бўлиб**, қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланиди;

ҳар бир ҳудудда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда тегишли туман (шаҳар) прокуратуралари Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ва бошқа йўналишларда узоқ йиллар фаолият қўрсатган тажрибали ходимлардан иборат **Маслаҳат кенгашлари** ташкил этилади;

Маслаҳат кенгашлари ўзаро муҳокама асосида ўта мураккаб тоифадаги ишларнинг ечимини топиш, ёш кадрларни тўғри йўналтириш ва уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш ишларига кўмаклашади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг Ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолияти учун масъул ўринбосарларига тегишли вилоят, туман (шаҳар) прокуратуралари Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимларини ҳудуддаги вилоят, туманларо, туман (шаҳар) судларидаги иш ҳажминини инobatга олган ҳолда ихтисослиги бўйича жалб қилишга рўхсат берилади.

9. Бош прокурор (Н.Йўлдошев) бир ой муддатда:

Ихтисослашган прокурорлар корпусини тажрибали, белгиланган вазифаларини самарали амалга оширишга қўриб, прокуратура органларида бeнқусон обрў-элитга эга бўлган профессионал кадрлар орасидан шакллантириш чораларини қўрсин;

Ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятини самарали йўлга қўйишни, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг бошқа йўналишлар бўйича ўринбосарлари ва ходимлари, туман (шаҳар) прокурорлари ҳамда уларнинг бошқа йўналишларга масъул ўринбосарлари ва ходимлари томонидан Ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятини таъминлаш мақсадида қиқариши мумкин бўлган ҳар қандай таъсир ва аралашувларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан механизмларни назарда тутувчи ички тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Олий суд ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ваколатларини белгилаш ва фаолиятини ташкил этиш чораларини назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

10. Суд тизими олдида турган долзарб вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Олий суд тузилмаси мавжуд штат бирликлари доирасида куйидагиларни инobatга олган ҳолда такомиллаштирилсин:

а) Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси негизида **Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти** (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

одил судлов соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш;

суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни ҳамда одил судлов муаммоларини тизимли таҳлил қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иш юритуви тизимини

янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш; одил судлов самарадорлигини илгор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилиш;

одил судлов соҳасига оид халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича тизимли ва изчил чоралар қўриш;

фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчилик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

б) Ахборот-коммуникация мониторинги — **Вазиятлар маркази** ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика бўйича барча судларда ишларни қўриш билан боғлиқ вазиятни **онлайн таҳлил қилиш**, судларда аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ишларни қўришда **процессуал тартиб ва муддатларга риоя этилишини мониторинг қилиб бориш**;

ишларни вилоят, туман (шаҳар), маҳалла кесимида тоифаларга ажратган ҳолда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, низоларни бартараф этишга қаратилган маълумотларни тайёрлаш;

суд мажлислари ўз вақтида ўтказилишини, сервер ускуналари ва дастурларнинг ишлаш ҳолатини доимий назорат қилиш;

в) Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси негизида **Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази** (кейинги ўринларда — **PR Марказ**) ташкил этилсин ва унинг, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар матбуот хизматларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

аҳоли орасида **суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш** ва илгари суриш;

суд фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, **матбуот анжуманлари, брфинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш**;

ахборот маконининг **доимий мониторингини** олиб бориш, судлар фаолиятига доир ахборотлар бўйича жамоатчилик фикрини таҳлил ва прогноз қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган материалларга, ахборот хуржларига **тезкор муносабат билдириш**;

суднинг расмий веб-сайтларида унинг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

11. Олий суд Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимининг ахборот сиёсати концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Судьялари Ассоциациясига аҳоли орасида суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантиришда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида куйидагилар тавсия этилсин:

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда судьялар фаолияти бўйича қонунга хилоф ва асоссиз эълон қилинган ҳар бир ҳолатга **суд ҳокимиятининг фахрилари томонидан объектив равишда ва тезкорлик билан муносабат билдириб бориш**;

судьялар ва суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан судларга мурожаат қилиш.

13. Олий суд уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Олий суд раиси Б.Исламов ҳамда Бош прокурор Н.Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 16 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОДИЛ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий суд билан биргаликда 2023 йил 1 июлдан Бош прокуратура ва Олий суд ахборот тизимларини интеграция қилиш йўли билан ўзаро ҳужжат алмашинувини тўлиқ йўлга қўйсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг эмблемаси намунаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, эмблемани тайёрлаш ва сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби Олий суд раиси томонидан тасдиқланади.

3. Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида Олий суд Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш;

айрим тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйи инстанция судларининг ўзида якунлаш тартибини белгилаш;

фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тарафларни келиштириш ва медиация институтини кенг жорий этиш бўйича асослантирилган тақлифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

Олий суд Судьялар олий кенгаши ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** ушбу бандда назарда тутилган янги механизмлар жорий этилиши натижасида иш юкласи мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлаш бўйича асослантирилган тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

4. Бош прокурор (Н.Йўлдошев) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда илгор хорижий тажрибани ҳамда судларда қўриладиган иш ҳажминини инobatга олиб, айрим йўналишларда прокурор назоратини қисқартириш, шунингдек, Бош прокуратура

ҳузуридаги ташкилотлар штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Ихтисослашган прокурорлар корпуси штат бирликлари сонини қўпайтириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

5. Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходимлари ўз фаолиятини самарали амалга оширишлари учун Олий суд (Б.Исламов) суд биноларида алоҳида хизмат хоналари ажратилишини, Бош прокурор (Н.Йўлдошев) мазкур хоналарнинг жиҳозланишини таъминлаш чораларини қўрсин.

6. Рақамий технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов): доимий равишда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига кўмаклашиб борсин;

Олий суд (Б.Исламов) билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори ижросини мониторинг қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Олий суд манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Олий суд раиси Б.Исламов ҳамда Бош прокурор Н.Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ</

ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди. Олтинчи йўналиш сифатида давлатимиз раҳбари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, миллатларга тотулишни асраш ва радикализмга қарши курашиш борасида тажриба алмашиш зарурлигини қайд этди.

Бундан ташқари, томонлар халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Очқ ва дўстона муҳаббат ўтган учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Ли Сянь Лунни ўзига қулай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатлари имлоши маросими бўлди. Делегациялар раҳбарлари хузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идора-лари даражасида Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 8 та ҳужжат имлоши.

Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар, шу жумладан, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳаларида ҳам-

корлик тўғрисида битимлар қабул қилинди. Шунингдек, савдо-иқтисодий шериклик ҳамда икки мамлакат прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлган Сингапур миллий университети хузуридаги Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактабига ташриф буюрди.

Сингапурнинг биринчи Бош вазири ва ушбу мамлакат "Иқтисодий мўъжизаси" маълумоти Ли Куан Ю шарафига номланган мактаб давлат сиёсати ва халқаро муносабатлар соҳасида магистратура дастурлари асосида кадрлар тайёрлашга, илмий ва сиёсий тадқиқотлар ўтказишга иштирок этишган.

Қатор йиллар давомида мактаб олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларида етакчи ўринларни эгалламоқда. Бу ерда хорижий мамлакатларнинг юқори даражадаги мансабдор шахсларини ўқитиш ун қисқа муддатли дастурлар ҳам ташкил этилган.

Маълумки, Сингапур эришган иқтисодий ва иқлимий муваффақиятларда чуқур ўйланган кадрлар сиёсати, малакали, масъулиятни ҳис этган ва ҳалол раҳбар кадрларни

тайёрлашга устувор эътибор муҳим ўрин тутган. Мамлакатимиз етакчиси ҳам ўз фаолиятининг бошиданок ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Шу маънода, Сингапурнинг давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари мактаб фаолияти билан батафсил танишиб, ўқув муассасаси раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Президенти хузуридаги Ўзбекистон Давлат бошқаруви академияси ва Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаш маросими бўлди.

Сўнг Президентимиз Сингапурнинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Сингапур меҳнат вазири — савдо ва саноат иқтисодиёти вазири Ленг Си Танг, Сингапур бизнес федерацияси раиси Минг Ян Лим, ушбу мамлакатнинг Indorama, Meinhardt group, CPG Corporation, Changi Airports, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, TMC Academy, Virtus Health каби 15 та йирик компания раҳбарлари иштирок этди. Президент Шавкат Мирзиёев учрашув

иштирокчиларини қутлаб, унинг янги 2023 йилдаги илк ташрифи айнан Сингапурга бўлаётгани Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан муштажам ва ўзаро манфаатли муносабатларини йўлга қўйишга алоҳида эътибордан далolat эканини таъкидлади.

Юртимиздаги тизимли ишлохотлар туфайли инвестициялар ҳажми ЯИМнинг 30 фоиздан ортиқ даражага етди. 2022 йилнинг ўзида Ўзбекистон иқтисодиётига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Куни кеча ўтган Ўзбекистон — Сингапур бизнес форумининг натижалари мамнуният билан қайд этилди: унинг доирасида умумий қиймати қариб 5 миллиард долларлик янги инвестиция, савдо ва молиявий келишувлар имзоланди.

— Бу ҳамкорлигимиз анча фаоллашгандан, муваффақиятли кечаётганидан, Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари амалий ва сифатли мазмун билан бойланиб бораётганлиги билан қулайлик билан қайд этилди, — деди Президентимиз.

Лекин шериклик салоҳияти ҳали тўлиқ ишга солинмаган. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қодир.

— Сингапур компанияларининг илгор тажрибаси бизда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Ишончли қолми, сингапурлик ҳамкорларнинг инновация ва технологиялари Ўзбекистоннинг ресурслари ва кадрлар салоҳиятига қўйишга, бўлажак қўшма лойиҳалар барқарор ривожланишига

Ўзбекистон етакчиси узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун энг истиқболли йўналишларни кўрсатиб ўтди. Сингапур компанияларининг Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида иштироки, шаҳар ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, қиммат ва тўқимачилик, "яшил иқтисодиёт", таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

Ўзбекистон Сингапур тадбиркорларини зарур ишлаб чиқариш инфраструктурасини билан таъминлаш, имтиёзлар ва қарблалли харидлар шаклида кенг қўллаб-қувватлаш, бошқа қўшма чораларни таъдим этишга тайёр экани билдириди.

Юртимиздаги ишлохотлар хорижий ҳамкорлар орасида Ўзбекистоннинг ишончли ва барқарор шерик сифатидаги мавқенини муштажамлашга қаратилганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев сингапурлик

ишбилармонларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун сўнлаётган имкониятлардан фойдаланиш ва иқтисодиётимизга фаол инвестиция киритишга қарор қилди.

Шерикликни кенгайтириш юзасидан батафсил фикр алмашилди. Сингапур бизнеси вакиллари ўз қишлоқларида Ўзбекистондаги иқтисодий ишлохотларни юксак баҳолади, мамлакатимизда амалга оширилган режалаштирилган аниқ лойиҳаларни таъдимот қилди.

Ишбилармонлар делегациясининг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлашди, давлатимиз раҳбари тадбиркорларни яратилган қулай инвестиция муҳити билан шахсан танишиш учун мамлакатимизга таклиф қилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон томони мутасаддиларига тадбирда айтилган барча лойиҳаларни, уларни амалга оширишнинг бошқича-бошқич механизми, аниқ муддат ва ижрочиларини қиритган ҳолда тегишли Амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва таъкидлаш топширилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга самарали давлат ташрифи якунига етди.

ЎзА.

Акс садо

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга қилган давлат ташрифи ва олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувлар халқаро ҳамжамиятда ўзининг акс садолини бермоқда.

Хусусан, халқаро экспертлар ва таҳлил доиралари вакиллари ушбу давлат ташрифини Ўзбекистоннинг яқин ва узоқдаги хорижий шериклик билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш истагини тасдиқлашгани, шунингдек, Марказий Осиёнинг дунёдаги бошқа минтақалар билан ўзаро алоқаларини муштажамлашга бўйича расмий Тошкент юртайётган сиёсатини тўла акс эттиришини таъкидламоқда.

Ҳикмет ЭРЕН, "ЕкоАвграса" Евроосиё иқтисодий алоқалар ассоциацияси бошқаруви раиси (Туркия):

— Савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда сезиларли муваффақиятларга эришган Ўзбекистон — Сингапур муносабатлари ривожини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг прагма-

тик иқтисодий сиёсати туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди. Республикада хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шароитлар Сингапур капитални иштирокидаги корхоналар сонининг тўрт баробар ошишига хизмат қилди. Бундан ташқари, Сингапурдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми 700 миллион АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Президентининг Сингапур билан яқин келажақдаги ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб бергани Осиё — Тинч океани минтақаси иқтисодий маркази билан ўзаро муносабатларини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Сингапур инсон капиталини ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича юксак натижаларга эришган. Шу нуқтага назардан, Сингапур томони билан менежмент, шахарсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, рақамли трансформация, инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида давлат хизматчиларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш юзасидан қўшма дастурларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилди, шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти томонидан бошланган маъмурий ишлохотларнинг натижадорлигига хисса қўшди.

Ишончли қолми, устав капитали 500 миллион АҚШ доллари бўлган Ўзбекистон — Син-

гапур билан ҳамкорлигини кенгайтириш кутимокда. 2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилинган бекжиз эмас.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг таълим соҳасида Сингапур билан узоқ йиллардан буюн яқин ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этиш жоиз бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолият кўрсатаётганини эслаш киёфа.

Абдуллоҳ Ал-ҲАМДАНИЙ, "Al Hamdani Group" компанияси раҳбари (Умон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки кейинги йиллар давомида Сингапур нафақат Осиё ва Тинч океани минтақасида, балки бутун жаҳонда илмий-техникавий, рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, транспорт, логистика ва бошқа қўллаб соҳаларда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон эса ўзининг бой маданий тарихи, сайёҳлик салоҳияти салмоқли бўлган тарихий шаҳарлари, қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари ҳамда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити билан Сингапур учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу омил эса ўзаро ҳамкорлик қўлмаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда 500 миллион доллар устав капиталига эга бўлган Ўзбекистон — Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилган икки давлатнинг ўзаро инвестиция ҳамкорлигини муштажамлашга устувор даражада аҳамият қаратаётганидан далolat беради.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка доир имзоланган битимлар салмоғи мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришга муштарак интилишнинг мавжуд эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Мазкур ташриф билан ҳамнафас ҳолда бизнес форуми ташкил этилгани ва унинг доирасида турли соҳаларда 20 дан зиёд шартномалар имзолангани ҳам гоғ эътиборга лойиҳалар.

Маълумки, таълим соҳасида Сингапур дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Келажақда Ўзбекистон бу соҳада ҳам Син-

гапур билан ҳамкорлигини кенгайтириш кутимокда. 2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилинган бекжиз эмас.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг таълим соҳасида Сингапур билан узоқ йиллардан буюн яқин ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этиш жоиз бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолият кўрсатаётганини эслаш киёфа.

Абдуллоҳ Ал-ҲАМДАНИЙ, "Al Hamdani Group" компанияси раҳбари (Умон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки кейинги йиллар давомида Сингапур нафақат Осиё ва Тинч океани минтақасида, балки бутун жаҳонда илмий-техникавий, рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, транспорт, логистика ва бошқа қўллаб соҳаларда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон эса ўзининг бой маданий тарихи, сайёҳлик салоҳияти салмоқли бўлган тарихий шаҳарлари, қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари ҳамда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити билан Сингапур учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу омил эса ўзаро ҳамкорлик қўлмаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда 500 миллион доллар устав капиталига эга бўлган Ўзбекистон — Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилган икки давлатнинг ўзаро инвестиция ҳамкорлигини муштажамлашга устувор даражада аҳамият қаратаётганидан далolat беради.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка доир имзоланган битимлар салмоғи мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришга муштарак интилишнинг мавжуд эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Маълумки, таълим соҳасида Сингапур дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Келажақда Ўзбекистон бу соҳада ҳам Син-

«Дунё» АА.

«СИНГАПУР МЎЪЖИЗАСИ»НИНГ СИРИ

Сингапурнинг "Мўъжизакор юрт", "Осиё йўлбарси" атамалари билан аталishi бекжиз эмас. Утган асрнинг 70-йилларида қадар қашшоқ саналган ушбу юрт қисқа фурсат ичида дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторига қўшилди. Ҳўш, қандай қилиб?

Ўта қолоқ, "учинчи" дунё мамлакатининг қисқа вақт ичида ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига турли омилар сабаб бўлди. Бунда, айниқса, моҳир ва доғнишманд етакчи, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ли Куан Юнинг хизматлари жуда катта. Айнан унинг кенг қамровли ишлохотлари туфайли Сингапур шу даражада юксак тараққий чўққисига эришди. Тўғри танланган стратегия ва унга мос равишда амалга оширилган аниқ тактика ўз самарасини берди.

Тараққийнинг драйверлари сифатида молия, транспорт хизматлари, логистика, шахарсозлик, соғлиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт ва илгор технологияларни ривожлантириш каби асосий йўналишларнинг танлаб олингани, пиривард натижада ишлохотларнинг улкан муваффақиятини таъминлади.

Ли Куан Ю ҳукуматининг иқтисодий ривожланиш стратегияси Сингапурни глобал молиявий ва тижорат марказига айлантириш, бунинг учун, хорижий инвесторларни кенг жалб қилишга асосланганда. Чунки мамлакатда белгиланган ишлохотларни ўтказиш учун етарлича маблағ зарур эди. Шу мақсадда хорижий тадбир-

ва бошқа оғир киноятлар тўғрисида"ги иккита муҳим қонун қабул қилинди. Шу билан бирга, мамлакатда аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашиш менталитети шакллантирилди ва бу жараён жамоатчилик томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ушбу қатъий чора-тадбирлар натижада Сингапурнинг коррупция ботқоқидан олиб чиқишга муваффақ бўлинди. Ҳозирда Сингапур коррупциядан холи мамлакатлар қучли бешталигидан муштажам ўрин олган. Жумладан, "Transparency International" халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2020 йил учун эълон қилинган рейтингда Сингапур коррупцияни идрок қилишда энг паст кўрсаткичи мамлакатлардан бири сифатида дунё миқёсида 3-ўринда (Дания ва Янги Зеландиядан кейин) қайд этилди. Бошқа ташкилотлар рейтингларида ҳам бу борада энг пешқадамлар қаторида туради.

Ҳозирда Сингапур юксак даражада тараққий толган давлат сифатида ўзида улкан иқтисодий, молиявий ва инсон капиталли мўъжасам этмоқда. Аҳолиси салкам 6 миллион кишини ташкил қилувчи мамлакатда ялли иҳтимий маҳсулот ҳажми 379 миллиард долларга тенг бўлиб, йиллик даромад ҳар бир фуқарога 65 миң долларга яқин.

Сингапур мамлакатимиз мустақиллигини 1992 йил

27 декабрда тан олган. Дипломатик алоқалар 1997 йил 8 апрелда ўрнатилган. Утган йили дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон — Сингапур ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини 14 та ҳужжат ташкил қилади, улардан 6 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро, 6 таси идоралараро ва 2 таси тармоқлараро ҳужжатлардир.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Сингапур БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган бир қатор резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам БМТнинг турли тузилмаларида қўллаб-қувватламоқда. Икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо айирбошлаш ҳажми динамикаси доимий ўсишда бўлиб, 2017 йилдаги 92,6 миллион доллардан 2022 йилда 143 миллион долларга етди.

Сингапурга, асосан, қора металл ва улардан ясалган жиҳозлар, қурилиш материаллари, хизматлар ва бошқалар экспорт қилинмоқда. Импорт таркибининг эса хизматлар, қачуқ, резина ва ундан ясалган жиҳозлар, оптика маҳсулотлари ва инструментлар, механика жиҳозлари, тўқимачилик маҳсулотлари ва

бошқалар ташкил қилади.

Сингапурнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритаяётган инвестициялари ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2016 — 2022 йилларда Сингапурнинг инвестициялари жами 700 миллион долларга етди. Лекин бу рақамлар мавжуд имкониятлар даражасидан анча паст бўлиб, ҳали биргаликда қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини йўлга қўйиш мумкин.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳада делегациялар алмашинуви мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Чунки Сингапур вакиллари Самарқандга бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" мусика фестивалида доимий равишда иштирок этмоқда.

Таълим соҳаси Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. 2008 йилдан бери Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (MDIS) фаолият юритмоқда. 2021 йилда Сингапурдаги Технологиялар, менежмент ва коммуникациялар академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Сингапур Миллий университети тизимидаги Ли Куан Ю давлат сиёсати мактаби, шунингдек, Сингапур давлат хизмати

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи Сингапур ОАВ томонидан кенг ёритилди

Сингапурнинг етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи тадбирларини кенг ёритди.

Улар Ўзбекистон етакчиси Сингапур Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазир Ли Сянь Лун билан самарали музокаралар ўтказганини қайд этган.

Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари, хусусан, инглиз тилидаги "The Business Times" ва "The Straits Times" газеталари, шунингдек, малай тилидаги "Berita Harian" нашрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи оид туркум ахборот материаллари эълон қилинди.

Ушбу мавзуга бағишланган мақолада ва таҳлилчи шарҳларда Ўзбекистон раҳбарининг Сингапурга давлат ташрифи олқишланган экан, бу воқеа икки томонлама ҳамкорлиги ривожлантириш, жумладан, савдо-иқтисодий, сарможий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда қўшма дастур ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишига ишон билдирилган.

Сингапур ОАВ томонидан эълон қилинган материалларда янги Ўзбекистоннинг иқтисодий, сарможий ва сайёҳлик салоҳияти ҳам қамраб олинган. Жумладан, "The Business Times" газетасида чоп этилган "Янги Ўзбекистон: иқтисодий ўсиш йўлидаги ишлохотлар" сарлавхали мақолада Марказий Осиёнинг қок марказида жойлашган Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ва минтақадаги энг кўп аҳолига эга давлат экани қайд этилган. Унда таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида 2017 — 2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қаратилган стратегия доирасида қатор таркибий ишлохотлар амалга оширилди.

"2022 — 2026 йилларга мўълажалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулот ҳажмини 1,6 баробарга, 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни 4 миң долларга етказиш кўзда тутилган. Бу Ўзбекистоннинг ўртадан юқори даромадли давлатга айланishi учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак. Ўзбекистон ушбу даврда транспорт, таълим, "яшил иқтисодиёт" ва энергетика соҳаларида эътибор қаратган ҳолда 120 миллиард доллар сармож жалб этишни мақсад қилган", дея урғуланади мазкур мақолада.

Нашрда қайд этилганидек, Ўзбекистон инфратузилмани ривожлантириш ва молиявий ишлохотлар бўйича Марказий Осиёда хорижий инвестициялар учун намуна бўлмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари асосланган улкан иқтисодий ишлохотлар ҳаётага тадбиқ этилмоқда. Бу ишлохотлар Ўзбекистонда

ишбилармонлик ва сарможий муҳитининг яқшиланishiга олиб келди ва умур рағбатлантирувчи амал бўлмоқда, деб ёздади "The Business Times" муҳбири. "The Straits Times" газетасида чоп этилган "Янги Ўзбекистон сиёсатининг халқаро эътирофи" сарлавхали мақолада Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясида белгиланган тартиб сиёсат ва иқтисодий дипломатия соҳасидаги устувор йўналишлар Марказий Осиё давлатлари билан яқши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини муштажамлаш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни тиклаш, ушбу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирознинг олдини олиш, йирик минтақалараро транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишда ҳам томонлама ёрдам кўрсатиш, дунёнинг барча минтақаларидаги ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, халқаро институтлар ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни янги амалий мазмун билан бойитиш эканлиги қайд этилган.

"Бугун жаҳон ҳамжамияти янги Ўзбекистонни барқарор ва жадал ривожлантирган демократик ўзгаришлар давлати, улкан имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатидеб билади", деб ёзилган Сингапур оммавий ахборот воситасида. Муаллиф Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг эътирофига кўра, ўз йўлидан бориш ҳуқуқини изчил ҳимоя қилаётган, ҳалқ ва давлатнинг, минтақанин ҳамда бутун дунёнинг барқарор ривожланишини таъминлашга улкан таъсир қўрсатаётган замонавийнинг йирик сўбат арбобларидан биридир, деб фикр юритган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди...



Фойдаланиш механизмида янгилик

Дастлаб "Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги пайтларда истеъмол кредитлари учун талаб ортиб бормоқда. Лекин амалдаги қонунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган товарлар (хизматлар)га истеъмол кредити бериш чекланган.

Таъкидланганидек, кейинги пайтларда истеъмол кредитлари учун талаб ортиб бормоқда. Лекин амалдаги қонунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган товарлар (хизматлар)га истеъмол кредити бериш чекланган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

риш имкониятини назарда тутувчи ўзгартириш киритилаётди.

Хусусан, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадига истеъмол кредитидан фойдаланиш механизми кенгайтирилмоқда.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан қатор таклифлар беришди. Лойиҳага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар эътироф этилиб, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Мажбурий меҳнат учун қатъий жавобгарлик

Йўналишда "Педагог ходимларнинг хизмат вазибаларини бажаришига тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик қўйиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида қўшимча маълумот берилди.

Аммо шунга қарамай, ҳали-ҳануз педагоглар маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ўқитиладиган тадбирлар, кўргазмаларни ташкил қилиш, туман ва шаҳар худудларини ободонлаштириш каби ўз вазифасига қаршиликлар билан юзлашаётган ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши таълим муассасасининг педагог ходимини мажбурий меҳнатга жалб этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтиради.

Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат "Болалар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун билан қўрилган қўшимчалар билан болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини самарали ташкил этишга йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

чилик асосида тўлиқ амалга оширишда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқаряпти.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат, Оила кодекслари ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунлардаги "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия"ни "болалар масалалари бўйича комиссия" номига ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини самарали ташкил этишга йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Бюджет жараёнлари очиклиги таъминланади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Давлат бюджетни ҳар ҳафта қўшимча билан тўлдириб бериш зарурати сезилмоқда.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан ўтказиладиган масофавий аудит тадбирлари қўлими ва сифатини яхшилаш, ички аудит хизматларига хавфларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имкониятларини кенгайтириш ва самардорлигини оширишга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш лозим.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар Давлат бюджетини ва давлат мақсадида жамғармалари бюджетларининг ижросида юза-

га келаятган ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда бюджет жараёнлари очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳо-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Парламент сўрови: жавобсиз қолган айрим саволлар

Депутатлар "Мамлакатимизда рақобат муҳитини янада ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш. Шораҳметовнинг жавобини атрофлича кўриб чиқдилар.

Жавобда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ишловлар натижасида охириги беш йилда рақобат муҳитини янада ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, табиий монополия субъектлари сонини 151 тадан 129 тага қисқартиришга эришилди, йиллик давлат монополиялари, бозор иштирокчилари ҳамда давлат органларининг 14,5 мингта рақобатсиз ҳаракатлари бартараф этилди.

Утган йил якуни бўйича давлат ҳамда корпоратив бюртмачилар томонидан ўтказилган 31 минг 385 та тендер (тендер) савдоларида тахлил ишлари олиб борилган. Натижада давлат ва корпоратив бюртмачилар томонидан ўтказилган 6 121 та савдо жараёнида 8 610 та рақобатга зид ҳолатлар оидинлашган.

Ўтказилган ўрганишларда товар моддий бойликларнинг харид қилишда назоратга олинган савдолар 7 475 та ташкил этиб, шундан 3 101 та ҳолатда, шунингдек, қурилиш, реконструкция-таъмирлаш ишларида назоратга олинган савдолар 12 минг 873 та бўлиб, шундан 4 205 та ҳолатда хато ва камчиликлар аниқланган.

Бундан ташқари, "Рақобат тўғрисида"ги ва "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунлар талабларига риоя этилиши юзасидан ўтган йилда иқтисодий тармоқ соҳаларида ўрганишлар ўтказилиб, бунинг натижасида истеъмолчилардан олинган жами 132 млрд. сўмдан ортиқ асосий даромадлар аниқланган.

Мажлисда парламент сўровига юборилган жавоб атрофлича муҳокамадан ўтказилиб, у маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Навбатдаги бюртма Жанубий Кореядан

Бухоро вилоятининг "Ғиждувон туманидаги "Усмон Шер Шамшод" масъулияти чекланган жамияти ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортдан 21 миллиард сўм даромад кўрди.

Интилиш

Фаолиятини дастлаб Россия ва Қозғистонга маҳсулот жўнатиш билан бошлаган корхона эндиликда МДҲ мамлакатлари ва Туркия бозорларига дадил кириб борапти. Яқинда эса Жанубий Кореядан полиз маҳсулотлари, хусусан, қовун экспорти бўйича бюртма олди.

Айтиш жоизки, бундан беш-олти йилча муқаддам бу ерда қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бизнес лойиҳа амалга оширилди, 2,5 гектар майдонда агрологистика маркази ва мева-сабзавотни қабул қилишдан тортиб, қайта ишлаш ва қадокланган ҳолда бюртмачиларга етказишга бўлган технологик жараён йўлга қўйилган эди. Натижада корхона Хитой ва Австриядан келтирилган замонавий технологик линияларга эга бўлди. Айни чоғда 2 минг тонна маҳсулотни саклаш қувватига эга совитчилик омборхона барпо этилди. Кейинчалик худди шундай сиғимга эга яна бир омбор қурилди. Ҳозир уни хориз технологияси билан жихозлаш устида иш олиб боришмоқда.

Этиборлиси, халқаро ISO сертификатига эга корхона транспорт хизматидан ҳам даромад кўрмоқда.

Мутахассисларнинг билдиришича, айни пайтда гулкарамни яримтайёр ҳолда қадоклаб, экспортга жўнатиш тадориги қўриляпти. Асосий мақсад экспорт ҳажминини йил охирига қадар 3 миллион АҚШ долларидан оширишдир.

Истом ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Дастурхони тўқин, рўзғор бут

Ерга меҳр берган деҳқон учун она замин ўз ҳазинасини тўққа қилади. Шу маънода, Фарғона вилоятининг Фурқат туманида сўнгги йилларда томорқадан унумли фойдаланиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётди. Миришкор томорқачилар йилнинг тўрт фаслида ҳам меҳнат қилиб, ҳар қачин ер даромад манбаи бўлишига эришмоқда.

Томорқачилар

Тумандаги "Қушчи" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муроджон Султонов ташкил этган 12 сотих иссиқхонада шу кунларда 300 минг тул эртаги помидор ва совуққа чидамли гул кўчатлари парваришланяпти. Етиштирилган кўчатлар яқин кунларда иссиқхоналарга экиш учун маҳаллий томорқачилар ва қўшни туманларга етказиб берилади.

— Бугун давлатимиз томонидан биргина томорқа ер эгалари учун яратилаётган қўлай шароитлар хонадонларга файз-барока олиб кирмоқда, — дейди М. Султонов. — Тўғри, қишнинг совуқ кунларида кўчатларнинг бундай шароити мослашуви бир оз қийин бўлди. Шу боис кеча-кундуз иссиқхона ҳароратини бир маромда ушлашга ҳаракат қилдик. Ҳозирги кунда бир текис ривожланаётган 4-5 хил навли помидор, 5 — 10 турдаги гул кўчатлари 10 — 15 см. бўй чўзди. Уларни келаси ҳафтадан иссиқхонада деҳқончилик қилувчи оилаларга сотишни бошлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, фидойи деҳқон ўтган йили 50 нафар маҳаллий ёшга томорқа деҳқончилиги сир-асорини ўргатди. Айни шу мақсадга яна 10 сотихга яқин ерда иссиқхона тайёрламоқда. Бу ерга келувчилар кўчат екишдан тортиб, парваришлаш ҳамда ҳосил пишиб етилиши жараёнини кўриб, ўзаро тажриба алмашиб боришлари мумкин.

Этиборлиси, тибиб-тинчимас миришкор томорқа эгаларига арзон ва сифатли маҳаллий ўғит етказиб бериш учун хонадондаги уч сотих ерда биоғумус тайёрлашни ҳам йўлга қўйган.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Фикр

МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ БЕРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Куни кеча парламент қўйи палатаси мажлисида "Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, у жорий йил 10 январь куни ўтказилган қўйи палата мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Муҳокама жараёнида лойиҳа юзасидан депутатлар томонидан қатор таклифлар берилганди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тайёрлаш жараёнида қўмита ва ишчи гуруҳ томонидан салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, лойиҳа фракциялар, қўмиталар берган таклифлар асосида янада такомиллаштирилиб, пишиқ-пукта ҳолатга келтирилди.

Билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг номи "Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси-

деган қисм чиқариб ташланди. Бунга асос сифатида айтиш мумкинки, истеъмолчи томонидан ишлаб чиқарувчи ёки реализация қилувчини олдиндан хабардор этиш шартлиги бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотди. Чўнки 2006 йилда қонун қабул қилинган вақтда мамлакат бозорига товар ва хизматлар тақчиллиги мавжудлиги боис ушбу норма зарур эди.

Шу билан бирга, 15-модданинг 2-қисмида назарда тутилган "Молиявий истеъмол кредити бериш истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ёки реализация қилувчи" жумласидан сўнг "субъектнинг (юридик ва жисмоний шахсларнинг)" сўзлари киритилмоқда.

Умуман, қатор янгиликлар акс этган ушбу ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши молиявий истеъмол кредити бериш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштиришга олиб келади.

Гулшана ХУДОЁРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

КОДЕКС «ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ» ТУШУНЧАСИ БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ

Давлат бюджетидан самарали фойдаланиш, бюджет очиклигини таъминлаш — мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада кенгайтириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам соҳада олиб борилаётган ишловларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси Давлат бюджетини ва давлат мақсадида жамғармаларининг ижроси жараёнида вужудга келаятган муаммоларни бартараф этиш, қонунчиликни

лаштириш мақсадида ваколатли органга қўшимча ваколатлар белгиланяпти.

Шунингдек, бюджет жараёнининг очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳамда "Очик бюджет" ахборот порталига жойлаштириши назарда тутилмоқда.

Шу нукта назардан айтганда, киритилаётган мазкур ўзгартиришлар ички аудит хизматларига хавфларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиринг, бюджет маблағларининг самарали сарфланишига хизмат қилади.

Жамшид ҚОСИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Advertisement for real estate projects: 1. "TAUBE GOLD REFINERY" MCHJ, 2. "LAKE CITY TOWNSHIP" MCHJ, 3. "NAMANGAN PREMIUM INVESTMENTS" MCHJ, 4. "NAMANGAN RESIDENTIAL" MCHJ, 5. "WALKER RESIDENTIAL" MCHJ, 6. "SUNRISE RESIDENTIAL" MCHJ.

Advertisement for "Xalq S'uzi" newspaper: "Халқ сўзи Народное слово", contact information, subscription rates, and QR code.